

Shukrullo R. JURAEV,

*Head of the Department of the Publications
of the Imam Maturidi International Scientific
Research Center.*

A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: jurayev1982@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022-2/8

МУҲАММАД ИБН ҲАСАН ШАЙБОНИЙНИНГ ИСЛОМ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИДА ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ МУҲАММАДА ИБН ХАСАНА ШАЙБАНИ В ИСЛАМСКОМ МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ

MUHAMMAD IBN HASAN SHAIBANI'S ROLE IN THE ISLAMIC INTERNATIONAL LAW

КИРИШ

Кишилиқ жамиятининг илк давридан бошлаб инсонлар ўзаро бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга интилганлар. Бу йўлда кишилар ўртасида муроса йўлини танлаш ва ҳар томон учун манфаатли бўлган ечимлар топишга ҳаракат қилинган. Кейинчалик давлатлар пайдо бўлгач, мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, элчилик муносабатлари, савдо-сотиқ каби масалаларга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу эса, давлатлар ўртасида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлди.

Бундай муносабатлар турли даврларда ўзига хос қоидалар билан ўзгариб, такомиллашиб борган. Уруғ-қабилалар даврида халқаро муносабатлар одат нормалари асосида оғзаки шаклда тартибга солинган бўлса, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши мазкур муносабатларнинг ёзма шаклда намоён бўлишига олиб келди. Кейинчалик шартномалар шакли, уларга қўйиладиган талаблар, уларнинг кучга кириш ва кучдан қолиш тартиби, амал қилиш муддати, шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ёки бир томонлама бекор қилиш тартиби каби масалалар халқаро ва миллий ҳуқуқ ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бўлди.

Жаҳон ҳамжамияти халқаро ҳуқуқий муносабатларни бундай тарзда тартибга солишга бирданига эришган эмас. Ушбу жараён узок ўтмишдан ҳозирги кунгача тўпланган халқаро ҳуқуқий амалий тажрибанинг маҳсулидир. Мазкур тажрибага турли минтақа давлатлари ўзига хос ҳисса қўшган. Бу масалада мусулмон оламининг ҳам тажрибаси салмоқли саналади. Айниқса, давлатлараро элчилик муносабатлари, халқаро шартномалар, уруш ва тинчлик даврида инсонпарварлик масалалари каби йўналишларда мусулмон олимлари томонидан илгари сурилган ғоялар таҳсинга сазовор.

АСОСИЙ ҚИСМ

Исломи дини жаҳон динларидан бири сифатида вужудга келиши ва турли минтақалар бўйлаб ёйилиши, Араб халифалигининг ташкил топиши ва амалга оширилган фатҳлар туфайли дунёнинг улкан ҳудудида ҳукмронлик қилган кучли салтанатнинг ташкил этилиши ўзига хос халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Қолаверса, бу масалада, Қуръон ва суннада белгиланган устувор қоидаларга таянилиши ҳамда олимлар томонидан халқаро муносабатларга оид қоидаларнинг назарий жиҳатдан асослаб берилиши ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларнинг аниқ ечимлари шаклланишига туртки бўлди.

Бу масалада ҳанафийлик мазҳабининг етук намоёниси Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (749–805) ўрни бекиёс. Чунки бу зот ўз даврида юзага келган турли ҳуқуқий масалаларнинг ечимини топишда катта муваффақият қозонди.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний халқаро ҳуқуқий муносабатлар (сияр) соҳасида китоб ёзишга киришган вақтда, Абдурахмон Авзойи, Имом Абу Юсуф каби забардаст олимларнинг сияр илми борасидаги асарлари маълум эди. Аммо уларда фикҳнинг янги ва қизиқарли бўлган бу соҳаси етарли даражада ёритилмаган эди. Сиярни батафсил ўрганиш айнан Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга насиб этди. Таъбир жоиз бўлса, Имом Шофеъийнинг усул ул-фикҳдаги ўрни каби Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам сияр илмида юксак мақомга эга дейиш мумкин (Anke Iman Bouzenita, 2007).

Муҳаммад Шайбоний тинчлик ва уруш шароитида мусулмонларнинг ўзга дин вакиллари билан олиб борадиган муносабатлари ҳақида “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” асарларини ёзди.

Аннотация: Жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатларни тартибга солишнинг бугунги даражасига бирданига эришган эмас. Ушбу жараён узоқ ўтмишдан ҳозирги кунгача тўпланган халқаро ҳуқуқий амалий тажрибанинг маҳсулидир. Ушбу мақолада ҳанафийлик мазҳабининг етук олими, буюк фақиҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний томонидан ёзилган «Ас-Сияр ас-Сағир» ва «Ас-Сияр ал-Кабир» асарларининг мусулмон оламида халқаро муносабатларни шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамияти ёритиб берилган.

Шунингдек, Муҳаммад Шайбоний томонидан фикҳ илмига киритилган “дорул аҳд” (номусулмон давлатлар билан тузилган тинчлик келишуви) тушунчасининг тинчликпарварлик моҳияти замирида диний тафовут сабабли душман деб қабул қилинган давлатлар билан ҳам шартномавий келишув асосида тинч-тотув яшаи тамойили илк ислом давлатчилигида мавжуд бўлгани мақолада асослаб берилган. Бундан ташқари, алломанинг уруш пайтида болалар, аёллар, кексалар ҳамда ўзини дин хизматида бағишлаган роҳиб ва зоҳидларнинг дахлсиз ҳисобланиши, уларга нисбатан қурол қўтарилмалиги борасидаги қарашлари асосида низоли вазиятларда тинч аҳolini асрашга қаратилган халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойиллари ислом ҳуқуқида VIII асрдаёқ шаклланиши мақолада ёритилган.

Калит сўзлар: Ислом халқаро ҳуқуқи, сунна, ҳанафийлик фикҳи, халқаро муносабатлар, халқаро шартнома, Зоҳир ар-ривоя, Ас-Сияр ал-кабир, ҳудуд, дорул ислом, дорул ҳарб, дорул аҳд, элчиларнинг дахлсизлиги.

Abstract: The international community did not immediately reach the current level of regulation of international relations. This process is the result of international legal practical experience accumulated from the distant past to the present.

This article emphasizes the importance of the works “As-Siyar al-Saghir” and “As-Siyar al-Kabir” written by the great scholar of the Hanafi school, Faqih Muhammad ibn Hasan Shaibani, in the formation and development of international relations in the Muslim world.

It was also revealed that the concept of «Dar al-Ahd» introduced into the science of jurisprudence by Muhammad Shaybani, due to its peace-loving nature, is justified by the fact that the principle of peaceful coexistence with the countries considered as enemies due to religious differences existed in the early Islamic states.

It was substantiated in the article that based on Muhammad Shaybani's views on the inviolability of children, women, the elderly, and monks and ascetics dedicated to the service of religion, the principles of international humanitarian law aimed at protecting civilians in conflict situations were established in Islamic law as early as the 8th century.

Key words: International Islamic law, Sunnah, Hanafi fiqh, international relations, international agreement, Zahir ar-Riwaya, As-Siyar al-Kabir, territory, Dar al-Islam, Dar al-Harb, Dar al-Ahd, inviolability of ambassadors.

Аннотация: Мировое сообщество не сразу достигло нынешнего уровня регулирования международных отношений. Этот процесс является результатом международно-правового практического опыта, накопленного с далекого прошлого до настоящего времени. В данной статье подчеркивается важность написанных великим ученым ханафитской школы, факихом Мухаммадом ибн Хасаном Шайбани трудов “Ас-Сияр ас-сағир” и “Ас-Сияр аль-кабир”, в формировании и развитии международных отношений в мусульманском мире.

Также в статье на основе понятия “дарул аҳд” (мирное соглашение с немусульманскими странами), введенного в науку фикха Мухаммадом Шайбани, обосновывается тот факт, что еще на первоначальном этапе исламской государственности существовал принцип мирного сосуществования на договорной основе со странами, воспринимаемыми как враждебными из-за религиозных разногласий. Кроме того, в статье подчеркивается, на основе взглядов Мухаммада Шайбани в исламском праве еще в VIII веке были закреплены такие принципы международного гуманитарного права, направленные на защиту гражданских лиц в конфликтах, как неприкосновенность детей, женщин, стариков, монахов и аскетов, посвятивших себя служению религии.

Ключевые слова: Международное исламское право, сунна, ханафитский фикх, международные отношения, международное соглашение, Захир ар-ривая, Ас-Сияр аль-кабир, территория, дар уль-Ислам, дар уль-харб, дар уль-аҳд, неприкосновенность послов.

“Ас-Сияр ас-сағир” асари “ас-Сияр ал-кабир”дан олдин ёзилган бўлиб, унда тинчлик ва уруш ҳолатларида мусулмонлар ва ўзга дин вакиллари ўртасидаги муносабатлар, ғайридинлар

ҳуқуқларининг ислом юрти ва унинг ташқарисида муҳофаза қилиниши, элчилар дахлсизлиги, сулҳ ва шартномалар, асирлар ва ҳарбий жиноятчилар, ўлжалар тақсмоти ва бошқа нозик масалаларга

алоҳида тўхталиб ўтилган. Асарда кўриб чиқилган ва таклиф этилган ечимлар Муҳаммад Шайбонийдан саккиз аср ўтибгина Ғарб ҳуқуқшунослари томонидан ўрганила бошланди.

Бу асарга Сарахсий ўзининг “Мабсут” номли китобида шарҳ ва тушунтиришлар берган. Сарахсийнинг хизматлари туфайли ушбу асар бугунги кунга қадар тўлалигича етиб келди. Маълумотларга қараганда, сияр мавзусида биринчилардан бўлиб китоб ёзган буюк фақиҳ Абдурахмон Авзойининг қўлига Муҳаммад Шайбонийнинг “ас-Сияр ас-сағир” асари тушиб қолади. Шунда Авзой “Бу кимники?” деб сўрайди, “Ироқлик Муҳаммадники”, деб жавоб берганларида, “Бу мавзуда ироқликларга китоб ёзишни ким қўйибди, улар сийра фанини билмайдиларку”, деган. Кейинчалик Муҳаммад Шайбоний “ас-Сияр ал-кабир”ни ёзгач, уни ҳам ўқиб кўрган Авзой: “Агар бу китобда ҳадислар мавжуд бўлмаганида, мен унинг ўзи илм ижод қилади деб ўйлаган бўлардим”, деб асарга жуда юқори баҳо беради.

“Ас-Сияр ал-кабир”нинг ёзилишига сабаб сифатида Сарахсий келтирган бу маълумот соҳанинг таниқли олимлари ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Хусусан, ислом ҳуқуқи бўйича етук олим Муҳаммад Абу Заҳра мазкур маълумотни таҳлил қилиб, “Бундан Авзой “ас-Сияр ал-кабир”ни кўрганлиги келиб чиқади ва биз бу икки маълумот борасида кичик баҳсга киришмоқчимиз”, деб раддия берган. Абу Заҳрага кўра, бу маълумот тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки Авзой хижрий 157 йилда вафот этган, Имом Муҳаммад эса, 132 йилда туғилиб, 189 йилда вафот этган. Маълумки, “ас-Сияр ал-кабир” Муҳаммад Шайбонийнинг сўнгги асари ҳисобланади. Агар Сарахсий келтирган маълумотларни қабул қиладиган бўлсак, Имом Шайбоний ўзининг охириги асарини 25 ёшида ёзган бўлиб чиқади. Чунки Авзой вафот этган вақтда у 25 ёшда бўлган. Аслини олганда, Шайбоний бу ёшда китоб ёзишни эндиgina бошлаган эди, десак тўғри бўлади.

Доктор Муҳаммад Дасуқий ҳам ўзининг “Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва унинг Ислом фикҳидаги ўрни” деб номланган асарида бу масалада яна бир мулоҳазани илгари суради (Муҳаммад Дасуқий, 1987). Унга кўра, Имом Муҳаммад Авзой вафот этган пайтда охириги асарини ёзган бўлса ва ундан кейин яшаган 32 йиллик умри давомида бирорта ҳам асар ёзмагани ҳақиқатдан йироқ деган мулоҳазани илгари суради.

Шу каби фикр-мулоҳазалар асосида “ас-Сияр ал-кабир”нинг ёзилишига Авзойининг сабаб бўлгани инкор этилади.

Шунга қарамай, “ас-Сияр ас-сағир” ҳақида Авзойининг фикр билдирганини ҳақиқат дейиш мумкин. Сабаби, айтиш Авзойининг, ироқликлар сияр ҳақида китоб ёзишолмайди, мазмунидаги гапидан сўнг, Абу Юсуф “ар-Рад ала сияр ал-Авзой” (Авзойининг “ас-Сияр” китобига раддия) деб номланган китоб ёзади. Ушбу китобда уруш, сулҳ, паноҳ бериш ва ўлжаларга тегишли бўлган масалалар бўйича Имом Абу Ҳанифа билан Авзой орасида юз берган ихтилофлар очиб берилиб, Абу Ҳанифанинг кучли ақлий далиллари ёритиб ўтилади ва ҳар бир масала ҳар томонлама таҳлил қилиниб, устозининг қарашлари нақлий ва ақлий жиҳатдан изоҳлаб берилади.

“Ас-Сияр ал-кабир” Имом Муҳаммаднинг фикҳ бўйича ёзган охириги китоби бўлгани сабабли асар Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий томонидан эмас, балки Абу Сулаймон Жузжоний, Исмоил ибн Савабадан ривоят қилинган. Муҳаммад Шайбонийнинг аксарият китобларини ривоят қилган Абу Ҳафс бу вақтда Ироқни тарк этиб, Бухорога келган эди.

Муаллиф “ас-Сияр ал-кабир” асарида ислом халқаро ҳуқуқига доир жуда кўп масалаларни тадқиқ этган. Жумладан, асарда тинчлик ва уруш ҳолатида халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг асослари, ҳарбий юришлар, жиҳоднинг маъноси, аҳамияти ва мақсади очиб берилди. Шунингдек, жиҳоднинг қонуний бўлиши учун шартлар кўрсатилиб, хорижий давлатлар билан уруш ҳолатидаги муносабатларнинг асослари кўрсатиб берилган.

НАТИЖА

Муҳаммад Шайбонийнинг ислом халқаро ҳуқуқига оид муносабатлар ривожига қўшган муҳим ҳиссаларидан бири унинг “худуд” тушунчаси, яъни давлатларнинг эътиқодий қарашларидан қатъи назар, улар билан тинчлик муносабатига киришиш йўллари кўрсатиб бергани билан боғлиқ. Дастлаб ислом халқаро ҳуқуқига кўра, дунёнинг икки худудий қисм: “дорул ислом” ва “дорул ҳарб”га бўлиниши қабул қилинган эди. “Дорул ислом” бу ислом таълимоти ва қоидалари поймол этилмайдиган ҳамда ҳурмат қилинадиган худудлар, деб қаралган (Муҳаммад ибн Иброҳим Тувайжирий, 1990). Имом Муҳаммаднинг фикрича, “дорул ислом” мусулмонлар ихтиёридаги юрт бўлиб, унда мусулмонлар ҳар қандай хавф-

хатардан холи бўладилар. Бундай ҳудудда истиқомат қилаётган, яшаётган барча аҳоли, хусусан, мусулмонлар ёки ўзга дин вакиллари (зиммийлар) ўзаро тенг ҳисобланади. “Дорул ҳарб” эса ислом таълимотини поймол қилишга қаратилган қоидалар амал қиладиган ҳудудлар ҳисобланган (Муҳаммад Сарахсий, 1997).

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний мамлакатлар ҳудудига оид юқоридаги қарашларни янада кенгайтди. У ўз асарларида “Дорул аҳд”га тўхталади ва бу ҳақида ёзган илк фақиҳ ҳисобланади. Шайбонийга кўра, мусулмонлар билан тинчлик ва ҳамжиҳатлик асосида яшаш бўйича шартнома тузган ўзга дин вакиллари ҳудудлари “дорул аҳд”га айланади.

Шундай қилиб, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан сўнг ислом халқаро ҳуқуқида ҳудудлар уч турга таснифланадиган бўлди. Асримиз олимларидан бўлган Қоҳира университети доктори Муҳаммад Дасукийга кўра, ҳудудларнинг уч турга бўлиниши шаръий эмас, балки воқеий асосларга таянади. Бу эса, исломда ҳудуд масаласи ҳал этилишида Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг ўрни янада баланд кўтаради (Муҳаммад Дасукий, 1987).

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ас-Сияр ал-кабир” ва “ас-Сияр ас-сағир” асарларидаги маълумотлардан унинг ислом халқаро ҳуқуқидаги аҳоли институти борасида муайян қарашларга эга бўлганини кўриш мумкин. Жумладан, унинг асарларида мусулмонлар, зиммийлар, мустаъминлар, ҳарбийлар каби аҳоли гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар учрайди.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ас-Сияр ал-кабир” асарида муайян аҳоли гуруҳлари ҳақида ҳам сўз юритилади. Асарда аҳоли гуруҳларининг алоҳида таърифлари ёки тушунчалари мавжуд эмас, аммо уларга оид ҳукмлардан кимлар назарда тутилатганини билиб олиш ва уларни замонавий халқаро ҳуқуқ билан солиштириш мумкин. Улар орасида, масалан, мусулмонларни маҳаллий фуқаролар, мустаъминларни чет эл фуқаролари билан қиёслаш мумкин.

Ислом халқаро ҳуқуқидаги фуқаролик тушунчасига замонавий олимлар диний омил асосида қарайдилар. Яъни, уларга кўра, “жамоат аъзоларини бирлаштириб турувчи эътиқод омили уммат тушунчасининг асоси ҳисобланади”. Қатарлик фақиҳ, профессор Абдулҳамид Исмоил Ансорийга кўра, исломдаги “уммат” тушунчаси замонавий халқаро ҳуқуқдаги халқ тушунчасига мувофиқ, аммо бунда муайян ҳудуднинг аҳолиси эмас, балки муайян динга эътиқод қилувчилар

гуруҳи тушунилади. Хоҳ ислом давлати, хоҳ мусулмон бўлмаган давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, барча мусулмонлар бир халқни – ислом умматини ташкил қилади, деб ҳисоблайди Ансорий.

“Мустаъмин” сўзи – бизнинг таъбиримизда “чет эл фуқаролари” деб аталаётган аҳоли гуруҳи – “ўзи яшайдиган давлат ҳудудидан бошқа ҳудудга хавфсизлик кафолати билан кирган шахс” маъносини билдиради. “Мустаъмин” сўзига Дасукий “ислом ҳудудига вақтинчалик яшаш ниятида келганлар” (Муҳаммад Дасукий, 1987), деб таъриф беради. Унга кўра, “уларга муайян муддат белгиланади ва бу муддатни узайтириш мумкин бўлади”. Бундай мақомдаги кишиларга эркин ҳаракатланиш, тижорат билан шуғулланиш, таълим олиш, саёҳат қилиш ҳуқуқи берилади ва гарчи мусулмон давлати билан уруш ҳолатидаги давлатнинг фуқаролари бўлсалар ҳам, уларнинг жони ва моли дахлсиз ҳисобланган. Уларнинг эътиқод эркинлиги ҳам таъминланган ва ким билан ҳуқуқий муносабатга киришувидан қатъи назар, уларга нисбатан ислом ҳуқуқи муомалот қоидалари татбиқ қилинган. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида ислом халқаро ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири – зиммийлик масалалари ҳам батафсил тартибга солинган. Зиммийлар тарихда мусулмон давлатининг ҳомийлиги ва ҳимояси остида бўлиш борасида шартнома тузган аҳоли гуруҳи ҳисобланган. Баъзи олимлар зиммийларни чет эл фуқароларига қиёслайдилар. Бизнингча, зиммийларни мусулмон мамлакатининг муайян миқдорда ҳуқуқлари чекланган фуқаролари деб аташ тўғрироқ бўларди. Чунки улар бевосита мусулмон мамлакати ҳомийлиги остидаги аҳоли гуруҳи бўлган. Уларга қатор ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим этилган. Уларнинг фикр, эътиқод эркинлиги таъминланган, мол-мулки ва жони ҳимоя қилинган. Зиммийларга давлат мансабларини эгаллаш ҳам мумкин бўлган. Уларга фақат давлатнинг бош мансабини эгаллаш, баъзи кийимларни кийиш, алоҳида мақомга эга бўлган ҳудуд – Ҳижозга кириш тақиқланган.

МУҲОКАМА

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида нафақат халқаро ҳуқуқий тушунчалар, балки халқаро ҳуқуқнинг алоҳида олинган соҳаларига оид фикрларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, у ўз асарларида дипломатик ҳуқуқ, шартномалар ҳуқуқи, инсонпарварлик ҳуқуқи каби халқаро муносабатларнинг барча даврлари учун муҳим бўлган халқаро ҳуқуқ соҳаларига эътибор қаратган.

Дипломатик ҳуқуқ соҳасида “ас-Сияр ас-сағир” асарининг 89-масаласида: “Дор ал-ислом”да ҳарбийга дуч келинса ва у мен элчиман деб, подшоҳнинг мактубини кўрсатса ва бу мактубнинг ҳақиқатдан ҳам подшоҳга тегишли экани тасдиқланса, унинг хавфсизлиги таъминланади”, дейилган. “Ас-Сияр ал-кабир”нинг “Амон ар-расул” бобида эса, мусулмон, зиммий ёки мустаъмин бўлишидан қатъи назар, элчининг мақоми бир хил экани тасдиқланган (Муҳаммад Сарахсий, 1997). Бу нарса Муҳаммад ибн Ҳасаннинг халқаро ҳуқуқий қараши бўйича, элчиларнинг ўзига хос дахлсизлик имунитети эътибор этилганини кўрсатади.

Муҳаммад ибн Ҳасаннинг асарларида халқаро шартномалар ҳуқуқига оид муфассал ва ўзидан илгариги олимларнинг қарашларида кузатилмаган фикрлар борлиги ҳам унинг сиярда юксак мавқеига далилдир. Аслида ислом ўзининг илк даврларидаёқ давлатлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи қоидаларни ўрнатган ва биз буни Ҳудайбия сулҳи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг яҳудийлар билан тузган битимлари, у зотнинг Наҷоший, Кисро билан ёзишмаларида кўришимиз мумкин. Пайғамбар алайҳиссаломнинг бу борадаги намуналари фақиҳлар томонидан кенг ўрганилган ва улар асосида халқаро шартномалар ҳуқуқининг нормалари ишлаб чиқилган.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ўз асарларида халқаро шартнома маъносида “муъоҳада”, “муводаъа”, “аҳд”, “муроваза”, “худна”, “мусолаҳа”, “мutorака” ва “мусалама” каби сўзлардан фойдаланган. Аммо кўп жойларда “муъоҳада”, “муводаъа” сўзлари ишлатилган. Шайбонийга кўра, “муъоҳада” бу “маълум муддатга мўлжалланган мўминлар ва ғайридинлар ўртасидаги келишувдир (Муҳаммад Сарахсий, 1997).

Шартномалар турли нуқтаи назардан бир неча турларга бўлинади. Масалан, вақт жиҳатидан абадий ва муваққат шартномалар, объекти жиҳатдан тинчлик шартномалари ва савдо-иқтисодий битимлар, субъектлар сони жиҳатдан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар маълум. Субъектларнинг кимлиги жиҳатдан улар мушриклар билан тузилган шартномалар, муртадлар билан тузилган шартномалар ва боғийлар билан тузилган шартномаларга ажратилади ва ҳоказо. Муҳаммад ибн Ҳасанга қадар сияр илмига оид китобларда фақат мусулмонлар ҳамда зиммийлар ёки мусулмонлар ва мустаъминлар ўртасидаги шартномаларга тўхтаб ўтилган. Шайбоний бу каби шартномаларни душманликда бўлган чет эл давлатлари билан ҳам тузиш мумкинлигини

ёзади ва бунинг натижасида, юқорида айтиб ўтилганидек, уларнинг ҳудуди “дорул аҳд”га айланишини таъкидлайди. Мусулмонлар ва улар билан шартнома тузган давлатлар ўртасидаги муносабатлар эҳтиромга асосланиши лозим бўлган ва барча йўналишларда ҳамкорлик қилиш мумкин ҳисобланган. Мусулмон бўлмаганларнинг ҳарбий соҳада устунлигига олиб келиши мумкин бўлган йўналишдаги муносабатларгина тақиқланган (Муҳаммад Дасукий, 1987). Муҳаммад ибн Ҳасан ўз асарида, айниқса, шартномаларга хиёнат қилиш мумкин эмаслигига алоҳида эътибор қаратади ва бу бугунги кунда халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган “шартномаларга албатта амал қилиш” тамойилига мувофиқ келади. Масалан, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарида келадиган қизиқарли ва ҳайратланарли жиҳат шундан иборатки, агар мусулмон бўлмаганлар икки ўртадаги шартномага амал қилмай, гаровда бўлган мусулмонларни қатл қилсалар ҳам, мусулмонлар гаровдаги мусулмон бўлмаганларга нисбатан бундай муносабат кўрсатишлари мумкин эмас. Чунки уларга омон, яъни дахлсизлик берилган. Бу замонавий халқаро ҳуқуқдаги “репрессалийга йўл қўймаслик” масаласи билан ўхшаш жиҳатдир.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ўз асарларида инсонпарварлик ҳуқуқига алоҳида эътибор берган. “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” асарларида Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний томонидан изоҳланган баъзи ҳуқуқий нормалар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи тушунчаларини ёдга солади. Масалан, “ас-Сияр ал-кабир”нинг “Амирларнинг кўрсатмалари” бобида Абу Бакр розияллоҳу анҳу Язид ибн Абу Суфённи урушга юбора туриб, берган кўрсатмалари келтирилган. У жумладан, “Сен ўз йўлингда ўзларини Яратганнинг ибодатига бағишлаган кишиларни кўрасан, уларга зиён етказма”, деб маслаҳат беради. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Абу Бакрнинг “Ҳеч қачон ёш болаларни, аёлларни ва ёши улуг кишиларни ўлдирма”, деган кўрсатмаларини келтиради ва булар унинг ўз қарашлари бўйича замонидан илгарилаб кетганига далолатдир. Чунки бу қоидалар ҳозирги халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ҳам муҳим масалаларидандир. Унга кўра, “болалар алоҳида ҳимоя ва васийликка эгадирлар. Аёлларга алоҳида ҳурмат билан қараш таъкидлаб ўтилади” (Акмал Саидов, 2001).

Шунингдек, “ас-Сияр ал-кабир” асарида “Мевали дарахтларни кесма, хурмоларни ёқма, тоқларни чопма, мол, қўйлар ва бошқа ҳайвонларни ейишдан бошқа нарса учун сўйманглар” деган кўрсатмалар ҳам бор ва Муҳаммад ибн Ҳасан

Шайбоний Абу Бакр розияллоху анхунинг “Бузғунчилик қилманг, фасод ишларга қўл урманг” деган амрларини ҳам келтиради (Муҳаммад Сарахсий, 1986). Эътиборлиси, булар ҳам замонавий халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган тушунчалардир. Жумладан, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий манбалари бўлмиш 1949 йилги Женева конвенцияларида ҳам уруш қурбонлари ва маданий қадриятларнинг халқаро ҳуқуқий ҳимояси мустаҳкамланган.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлар, шубҳасиз, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг халқаро ҳуқуқдаги ўрни юқорилигидан дарак беради. Шу туфайли ҳам кўплаб муаллифлар унинг халқаро ислом ҳуқуқидаги ўрни беқиёс бўлганини қайта-қайта эътироф этганлар. Масалан, Дасукийга кўра, Муҳаммад ибн Ҳасан уруш ва тинчлик вақтидаги мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга оид батафсил китоб ёзган ягона фақиҳ ва исломдаги халқаро ҳуқуқ тушунчасини илгари сурган илк олим ҳисобланади (Муҳаммад Дасукий, 1987). Доктор Муҳаммад Афифи халқаро ҳуқуқнинг асоси бўлган манбалар сифатида Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ас-Сияр ас-сағир” ва “ас-Сияр ал-кабир” асарларини эътироф этади ва “Ваҳоланки, у (яъни, Шайбоний) голландиялик ҳуқуқшунос Гуго Гроцийдан (1583–1645) ва инглиз ҳуқуқшуноси Ричард Зёчдан (1590–1660) саккиз аср олдин яшаган” деб таъкидлайди. Аш-Шарика университети доктори Усмон Жумъа Зумайрий ҳам “ас-Сияр ал-кабир”ни халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуққа оид илк китоб деб билади (Зумайрий, 1996). Баъзи замонамиз олимларига кўра, Гроций “ас-Сияр ал-кабир” асарини ўқиган ва халқаро муносабатларга оид тамойилларни ишлаб чиқишда мазкур китобдан таъсирланган бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатъи назар, Шайбоний ислом доктринасига асосланиб, халқаро ҳуқуққа оид тушунчаларни изоҳлаб, уларни шарҳлаб берган. Боз устига Гроций ўз китобида табиий ҳуқуқни асос қилиб олади ва бу жиҳатдан, дарҳақиқат, Шайбонийнинг ғоялари ўз асослари бўйича ҳам уникадан қолишмаслиги аён бўлади (Муҳаммад Дасукий, 1987).

Дарҳақиқат, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг ислом халқаро ҳуқуқи тушунчаларини ўрганиш ва ривожлантиришдаги ўрни юксак бўлган ва бу нафақат ислом олами, балки

халқаро миқёсда эътироф этилган. Жумладан, 1932 йилда Францияда халқаро ҳуқуқ соҳасидаги “Шайбоний” жамияти тузилгани (Муҳаммад Дасукий, 1987), албатта, бежиз эмас. Бошқа бир манбада айтилишича, Германиянинг Готингем шаҳрида ҳам 1955 йилда “Халқаро ҳуқуқ бўйича Шайбоний жамияти” ташкил этилган ва мисрлик ҳуқуқшунос доктор Абдулҳамид Бадавий унинг илк раиси этиб сайланган эди. Ушбу муассаса Шайбоний асарларини ўрганиш, унинг фикрларини юзага чиқариш ва халқаро ислом ҳуқуқига оид китобларини нашр қилиш билан шуғулланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Anke Iman Bouzenita. (2007). The Siyar – An Islamic Law Of Nations? Asian Journal of Social Science, 25.
2. Абдулқодир Ўда. (2008). Ат-Ташриу ал-Жинаний ал-исламий. Байрут: Дар ал-Катиб ал-арабий.
3. Абу Бакр ибн Масъуд Косоний. (n.d.). Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. Қоҳира: Закарийъ Али Юсуф нашриёти.
4. Абу Яъло. (1974). Ал-Муътамад фи усуд ад-дин. Байрут: Дор ал-Машрик.
5. Абул Ҳасан Мовардий. (2014). Ал-Аҳкам ас-султония. Кувайт: Мактабатул дор ал ибн Қутайба.
6. Акмал Саидов. (2001). Халқаро ҳуқуқ. Тошкент: Адабиёт жамғармаси.
7. Алауддин Хаскафий. (n.d.). Дурул мунтакий шарҳ ал-Мултакий. Қоҳира: Дор ат-Тибаъти ва нашр.
8. Ибн Обидин. (2000). Хошияту ибн Обидин. Дамашк: Дор ас-сакофа ват турос.
9. Ибн Рушд. (1988). Ал-муқадиматул мумаҳадат. Байрут: Дар ал-Ғарб ал-исламий.
10. Имом Абу Мансур Бағдодий. (1928). Усулуд дин. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
11. Муҳаммад Абу Заҳра. (1995). ал-Аълақоту ад-дувалий фил ислам. Қоҳира: Дар ал-фикр ал-арабий.
12. Муҳаммад Дасукий. (1987). Ал-Имам Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ва асаруху фил фикҳил ислам. Доҳа: Дор ассақофа.
13. Муҳаммад ибн Иброҳим Тувайжирий. (1990). Мавсуаъ ал-фикҳия ал-исламия. Ал-Кувейт: Визарат ал-авқаф ва аш-шуъун ал-исламийя.
14. Муҳаммад Сарахсий. (1986). Мабсут. Байрут: Дар ал-маърифат.
15. Муҳаммад Сарахсий. (1997). Шарҳ ас-Сияр ал-кабир. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
16. Муҳаммад Содиқ Афифи. (1977). Ал-Аълақату ад-дувалия фил ислам. Қоҳира: Мактабатул Хонжий.
17. Муҳаммад Шайбоний. (2012). Ал-Асл. Байрут: Дор ибн Ҳазм.
18. Усмон Жума Зумайрия. (1996). Ал-Муъахадат ад-даулия фий фикҳил имам бин Ҳасан аш-Шайбоний. Макка: Робита ал-Олам ал-исламий.